



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING QARORI

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2020-yil “7” декабр К-1893 -son  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2020 йил 3 декабрдаги “2021 йилда расмий  
саналарни нишонлаш даврида қўшимча  
ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам  
олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги  
ПФ-6122-сонли Фармони ҳамда вилоят  
ҳокимининг 2020 йил 5 декабрдаги К-666-сонли  
қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Qumqo'rg'on t.

2020 йил да фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам  
олиши учун шарт-шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона  
фойдаланишини таъминлаш мақсадида

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги  
“2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган  
кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги  
ПФ-6122-сонли Фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 5 декабрдаги  
К-666-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур Фармонга кўра:

2021 йилда қўшимча дам олиш кунлари белгиланганлиги;

2021 йилда дам олиш куни 27 март - шанба кунидан 22 март - душанба  
кунига кўчирилганлиги;

2021 йил 2 январь - шанба, 20 март - шанба, 22 март - душанба ва  
4 сентябрь - шанба кунлари барча ходимлар учун иш ҳафтасининг туридан  
қатъий назар, дам олиш кунлари ҳисобланиши белгиланганлиги;

бюджет ташкилотларида белгиланган қўшимча дам олиш кунлари ҳар  
йилги меҳнат таътилиниг давомийлигини икки иш кунига қисқартириш  
ҳисобига қопланиши;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи  
миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилиниг амалдаги давомийлиги ҳисобга  
олиниши ва унга белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилиши;

ҳар йиллик меҳнат таътилиниң давомийлиги қисқартириш ҳисобга олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда жамоа шартномалари ёки иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмиталари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимининг тармоқлар бўйича ўринбосарлари ва тегишли ташкилот раҳбарлари:

аҳолининг узайтирилган байрам (ишлиланмайдиган) кунларида мароқли ва фойдали дам олишини ташкил этиш бўйича тизимли чоралар кўрсинг.

4. “Қумкўрғон садоси” газетаси (Р.Менгзияева) байрам кунлари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида аҳолини кенг хабардор қилиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими

Р.Гаппаров

